

**ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА
ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЭНЕРГИЯ САРФИ (ЭНЕРГИЯ СИҒИМИ)
КАМАЙТИРИШ АСОСИЙ МЕХАНИЗМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Урунбаев Сапарбек Саматович

*Тошкент архитектура қурилиш университети
“Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш” кафедраси
Катта ўқитувчиси*

АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кўнда энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиб бориши энергия ресурсларидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида энергетик ва экологик хавфсизлигини ошириш, шунингдек, энергия тежаш салоҳиятини кўтариш, модернизация қилиш, технологик ривожлантириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш орқали аҳоли турмуш даражасини ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга бўйича алоҳида бошқарув механизмларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Калит сўзлар: энергия ресурслари, самарадорлик, ёқилғи-энергетика, экологик хавфсизлиги, энергия сиғими, чиқиндисиз ишлаб чиқариш.

ANNOTATION

The growing demand for energy resources in the present context assumes the efficient and cost-effective use of energy resources. This requires the development of separate management mechanisms to improve the standard of living of the population and the quality of services provided by increasing energy and environmental safety in its turn, as well as increasing energy saving potential, modernization, technological development and rational use of fuel and energy resources and increasing energy efficiency.

Keywords: energy resources, efficiency, fuel and energy, environmental safety, energy capacity, waste-free production.

Ҳозирги вақтда самарали, ресурс тежовчи ва экологик хавфсиз иқтисодиётни ривожлантириш жаҳон ва миллий иқтисодиётларнинг ажралмас қисмига айланмоқда, бу миллий қонун ҳужжатларига янги ишлаб чиқариш ва табиатни муҳофаза қилиш стандартлари жорий этилишини рағбатлантиради, “яшил иқтисодиёт” асосида барқарор таракқиёта ўтишга ва сифат жиҳатидан янги рақобатбардош муҳитни шакллантиришга кўмаклашади. “Яшил” ўсиш иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантиришни англатади, бунда табиий активлар сақланади ва ресурслар ва экотизим хизматлари узлуксиз тақдим

этилади. Бизнинг фаровонлигимиз уларга боғлиқ. Бунинг учун яшил ўсиш барқарор тараққиётни таъминлайдиган ва янги иқтисодий имкониятлар пайдо бўлишига олиб келадиган инвестициялар ва инновацияларни рағбатлантириши ҳамда улардан кенг фойдаланиши керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (Атроф-муҳит бўйича дастур – United Nations Environmental Programm – UNEP-ЮНЕП; Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия – ЭСКАТО ва ҳоказолар), Глобал “яшил” ўсиш институти (Global Green Growth Institute – GGGI) каби халқаро ташкилотлар ва кўплаб бошқа ташкилотлар “Яшил” ўсиш стратегиясини тарғиб қилишда фаол роль ўйнайди. Бошқача айтганда, халқаро ҳамжамият “яшил иқтисодиёт” га ўтиш йўллариини излашга мажбур. Бундай иқтисодиёт ресурс тежовчи ва экологик зарарсиз ишлаб чиқариш таянган ҳолда инсонлар фаровонлигини оширади ва атроф муҳит учун ҳавф-хатарни камайтиради.

“Яшил иқтисодиёт” – бу эртанги кун иқтисодиёти ва айнан у XXI аср иқтисодий тараққиётининг ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиши керак. Яшил иқтисодиёт назарияси қуйидаги учта аксиомага асосланади:

- чекланган маконда таъсир соҳасини узлуксиз кенгайтириб бўлмайди;
- ресурслар чекланган шароитда узлуксиз ошиб бораётган эҳтиёжни қондиришни талаб қилиш мумкин эмас;
- Ер юзасида ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ.

Энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралиб, республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини, молиявий барқарорлигини, энергетик ва экологик хавфсизлигини ошириш, шунингдек, энергия тежаш салоҳиятини кўтариш, модернизация қилиш, технологик ривожлантириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш орқали аҳоли турмуш даражасини ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга қаратилган.

Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиб бориши энергия ресурсларидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида иқтисодиёт тармоқларининг йирик энергия сарфловчи корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича чора-тадбирлар режаси 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилга топшириқларга асосан республикамизда саноат тармоқлари бўйича 3,9 млрд метр куб табиий газ, 4 млрд

кВт/соат электр энергияси ва 21 минг тонна нефть маҳсулотларини тежаш орқали энергия сифимини 2022 йил охиригачан бино ва иншоотларда энергия самарадорлигини 30 фоизга ошириш кўзда тутилган.

Республикаимиз иқтисодиётининг ҳар бир тармоқ кесимида ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш ва энергия тежамкорлиги дастурларини ишлаб чиқиш ва ўз ўрнида саноат корхоналарга чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияларини жорий этишни натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва фаолият турлари бўйича кўп энергия сарфлайдиган ускуна ва қурилмаларини модернизация қилиш ва янги технологияларни жорий этиш бўйича кўп йиллик тизимли тадбирларни бажариш энергия самарадорлигини ошириш, шунингдек, Атрофдаги табиий муҳитни мониторинг қилиш тизимини модернизациялашга

устувор аҳамият берилмоқда, бу мавжуд муаммоларни комплекс ҳал қилиш имконини беради. Қаттиқ маиший чиқиндиларни давлат-хусусий шериклик асосида утилизация қилиш ва қайта ишлаш технологияларини жорий этган ҳолда уларни комплекс бошқариш кластерлари яратилган.

Бу кўп жиҳатдан қуйидагилар билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг ўзига хос иқлим ва географик хусусиятлари, унинг ноёб экотизимлари ва атроф муҳит, энергия ишлатишга камайтиришга, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда энергия тежовчи технологияларни жорий этишга қаратилган инновацион сиёсат устуворликлари;

энергия самарадорлигини ошириш ва энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини ривожлантириш,

энергия тежовчи ва кам углерод сарфлайдиган саноатни ривожлантириш, экосоҳани тиклашнинг муҳим лойиҳаларини амалга ошириш,

экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш бўйича миллий сиёсат ишлаб чиқиш ва жорий этиш..

Давлатимиз ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларнинг сарфини оптималлаштиришни натижасида иқтисодиётнинг энергия сарфи (энергия сифими) 2026 йилга бориб 22 фоизга камайтирилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Прогноз развития энергетики мира и России 2022. / под ред. А.А.Макарова,
2. Л.М.Григорьева, Т.А.Митровой; ИНЭИ РАНАЦ при правительстве РФ. – Москва, 2022.
3. Одинаев Д. Ш. Жаҳонда «Яшил иқтисодиёт» нинг энергетика соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ва ривожланиш тенденциялари //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2018.

4. Frankfurt School-UNEP Centre/BNEF. 2022. Global Trends in Renewable Energy Investment
5. Nurova, G. (2022). Results of ISI Implementation in Uzbekistan (in The Example of Uzbek Automotive Industry): Achievements and Negative Outcomes. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 8(8).извлечено отhttp://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/5694
6. СС Урунбаев, Самат Сардарович Урунбаев. Новые подходы и методы обучения физике в современной школе. Современные инновации. 2018. №5 (27), 67-69 страницы
7. Saydahmadova Simora, Urunbayev Safarbek Samatovich, THE CONCEPT OF THE DIGITAL ECONOMY AND ITS SIGNIFICANCE TODAY. Archive of Conferences. 2022/1/22.
8. Urunbayev Safarbek Samatovich, Safarov Solixjon Sobirjon o'g'li, Impact of global microchip deficit on the market. Texas Journal of Multidisciplinary Studies 2022/1/11